

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ МУЛОҚОТ ЙЎЛИ.

Наманган вилояти тархи ва маданияти давлат музейининг

мустақиллик бўлим мудири: **Азамат Ғаниев**

Кириш

Ўзбекистон ҳудуди инсоният цивилизациясининг энг қадимий марказларидан бири бўлиб, бу заминда яратилган моддий ва маънавий мерос халқимизнинг бой тарихи ҳамда юксак маданиятини ўзида мужассам этган. Айниқса, археологик ёдгорликлардан аниқланган топилмалар аجدодларимизнинг турмуш тарзи, диний эътиқоди, ҳунармандчилиги ва маданий алоқаларини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Ушбу ёдгорликларни асраб-авайлаш, илмий жиҳатдан тадқиқ этиш ва келажак авлодга етказиш давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётган устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Фарғона водийси, хусусан Наманган вилояти ҳудудида жойлашган Мунчоктепа археологик ёдгорлиги илк ўрта асрлар тарихи ва маданиятини ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга. Бу ерда олиб борилган археологик казишмалар натижасида қамиш тобутлар, ёғоч ва сопол буюмлар, тош ва шишадан ясалган безаклар ҳамда бошқа ноёб экспонатлар топилган бўлиб, улар орасида кулолчилик буюмлари алоҳида ўрин тутди. Ушбу топилмалар нафақат ўша давр кулолчилик санъатининг юксак даражада ривожланганлигини, балки аҳолининг ижтимоий ҳаёти, диний тасаввурлари ва дафн маросимлари ҳақида ҳам муҳим маълумотлар беради. Мунчоктепадан аниқланган кулолчилик буюмлари шакли, тайёрланиш технологияси, безаклари ва вазифасига кўра илмий жиҳатдан катта қизиқиш уйғотади. Уларнинг таҳлили орқали Фарғона водийсида V–VII асрларда кулолчилик ҳунарининг тараққиёти, маҳаллий усталарнинг маҳорати ҳамда Буюк ипак йўли орқали амалга ошган маданий ва иқтисодий алоқалар ҳақида қимматли маълумотларга эга бўлиш мумкин. Мазкур мақолада Поп туманидаги Мунчоктепа археологик ёдгорлигидан топилган кулолчилик буюмларининг тарихи, турлари, ясашиш технологияси, уларнинг илмий ва музейшунослик аҳамияти ҳамда Наманган

вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи фондларида сақланаётган ушбу ноёб экспонатларнинг маданий мерос сифатидаги ўрни ёритилад.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрдаги 975-сонли қарори шу қарор ижроси бўйича вилоят ҳокимининг 2018 йил 16 декабрдаги 901-сонли қарори, Маданият вазирлигининг 2017 йил декабрдаги 874-сонли буйруғи ҳамда Наманган вилоят маданият бошқармасининг 20.12.2017 йил № 89-сонли буйруғи ижросини бажариш мақсадида Поп Мунчоқтепа қабристонидаги археологик қазилмалар чоғида топилган қамиш тобут, қамиш тобут қопқоқлари, сопол буюмлар, ёғоч буюмлар, ошқовоқдан ясалган идишлар, тошдан ясалган мўнчоқлар мутахассислари Б.Болиев, С.Хўжамовлар ва Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи ходимлари иштирокида яроқли ва таъмирлаш (реставрация) мумкин бўлган экспонатлари ажратиб олиниб, 31 март 2018 йил куни Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейига олиб келинди. Ҳозирда музейнинг кўргазмалар залидан жой олган. Улар орасида кулолчилик буюмлари музейда катта аҳамиятга эга.

Кўпчиликка маълумки 1987-йилда академик А.А.Асқаров раҳбарлигида Поп туманида археолог қидирув ишлари олиб борилган. 1988-йилнинг ёз ойида Попдан аниқланган ноёб топилмалар бир зумда бутун оламга ёйилган. Нафақат Поп Мунчоқтепадан топилган топилмалар шу қаторда Баландтепа ва Ахсикентдан топилган археологик ёдгорликлар бизнинг ўлка илк ўрта асрлар цивилизация ўчоғи бўлган моқан эканлигидан далолат беради. Бизга маълумки Фарғона водийсида илк ўрта асрларда амалий санъат меъморчилик, кулолчилик, рассомчилик ва бошқа кўплаб санъат турлари ривожланган. Бундай ривожланишга асосий турткилардан бири бу “Буюк ипак йўлини” айнан мана шу ҳудудлардан ўтганлигидир. Ипак йўли орқали кўпгина ҳудудларга маҳаллий аҳоли томонидан ясалган ҳар-хил кулолчилик буюмлари, ёғочдан ясалган идишлар, зираворлар, ипак ва пахтадан ишланган матолар ва бошқа маҳсулотлар бошқа мамалакатларга савдогарлар томонидан айрибошланиб олиб кетилган. Ипак йўлининг Фарғона водийсига кириш қисми яъни дарвозаси Поп туманига тўғри келади. Поп қадимда Боп деб

юритилган. Боп дарвоза деган маънони англатади. Айнан мана шу Боп Мунчотепадан топилган археологик ёдгорликлар орасидан кулолчилик маҳсулотлари, илк ўрта асрларда кулолчилик ҳам гуллаб яшнаганидан далолат беради.

Наманган худудида тарихий амалий санъат билан боғлиқ кўплаб маънавий ва моддий маданият ёдгорликлар сақланиб қолган. Бунга мисол тариқасида V-VII асрларга оид Мунчоктепа археологик ёдгорликлари келтиришимиз мумкин. У ердан топилган хилма хил ашёлар орасида кулолчиликка оид буюмлар алоҳида ўрин эгаллайди. Сағаналарга уй-рўзғор буюмлари нега жасадлар билан бирга қўйилган деган савол кўпчилиكنи қизиқтиради. Кўпчилик олимлар V-VII асрларда исломгача бўлган даврда одамларнинг нариги дунё ҳақида қарашлари ўзгача эканлигини алоҳида такидлаб ўтишган. Мархумларнинг яқинлари бу дунёни тарк этиб ўзга дунёга кетишаётган пайтида мана шу улар солиб қўйган озиқ овқатларни, кўзаларга қўйилган сувларни ичиб кетишади. Нариги дунё узоқ у ерга боргунларича мана шу маҳсулотларни истемол қилишиб етиб олишади деб ўйлашган ва идишларга озиқ овқатлар солиб қўйишган. Ер ости сағаналарида 50 га яқин сопол идишлар топилган бўлиб, улар ясалиш технологиясига кўра икки гуруҳга бўлинади.

Кулолчилик чархида ясалган сопол идишлар. Қўлда, чарх ёрдамисиз тайёрланган сопол идишлар. Улар қуйидаги идиш хилларидан иборат: Кўзалар уларни уч хили учрайди. Танаси юмалоқроқ, ингичка бўғизли ва ажралиб турувчи гардиши бўлган кўза. Қуйи қисми пичоқ билан кесиб текисланган. Танаси юмалоқроққа яқин калта бўғизли кўза. Оқиш ангоб билан қопланган идишнинг қуйи қисми пичоқ билан кесиб текисланган. Танаси тухумсимон, калта бўғизли, ажралиб турувчи гардишли кўза. Идишнинг тўртдан бир қисми ангоб билан қопланган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Асқаров А.А. **Ўзбекистон тарихи (энг қадимги даврдан илк ўрта асрларгача).** – Тошкент: Ўқитувчи, 1994.
2. Асқаров А.А. **Фарғонанинг қадимги маданияти ва археологик ёдгорликлари.** – Тошкент: Фан, 2007.
3. Баратов С.Р. **Ўзбекистон археологияси.** – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010.
4. Матбобоев Б.Х. **Ахсикент – Фарғонанинг ўрта аср пойтахти.** – Тошкент: Фан, 2013.
5. Раҳмонов Ш. **Фарғона водийсининг илк ўрта асрлар**